

№7 (3) 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Үрманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li</i>	
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR	9-15
<i>Zoqidov Қобилжон Тоиржонович</i>	
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ	16-20
<i>Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich</i>	
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIY TA'MINOT SIYOSATI	21-26
<i>Хайназаров Баҳромжон Баҳтиёрович</i>	
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЖОРӢЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)	27-32
<i>Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли</i>	
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРФИБОТИДА ТУТГАН ЎРНИ	33-41
<i>Bobodustov Bobur Mirzaboyevich</i>	
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI	42-47
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
XX АСРНИНГ 30-50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА	48-55

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Казаков Олим Сабирович</i>	
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ	56-60
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i>	
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	61-67
<i>Umronov Eldorbek Sodirovich</i>	
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI	68-76
<i>Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадирович</i>	
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО ТУРИЗМА	77-82
<i>Xolmurotov Fozil Saribayevich</i>	
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH	83-91
<i>Худайназарова Диляром Хайруллаевна</i>	
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	92-100

Ғойипназаров Санжар Баходирович
СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРӢӢ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР 101-110

Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI 111-119

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Юлдашев Фарруҳ Абдураҳманович
АҲБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙГУНЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ 120-126

Tojiboev Sarvar Pўлатжон ўғли
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ 127-132

Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA
ASOSLARI 133-137

Abdullayev Temur Bobir o'g'li
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI 138-143

Islamov Kamol Tashkulovich
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVİY YONDASHUVLAR
NISBATI 144-150

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Isanova Feruza Tulqinovna
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKALARINING FUNKSIONAL
XUSUSIYATLARI 151-160

Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING
QO'LLANILISHI 161-167

Мухамедова Феруза Баҳодир кизи
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ
А. КИМА 168-174

Abdullayev Ikramjon Xashimjanovich
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI 175-180

Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION
METODLARNING QO'LLANILISHI 181-185

Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK
TADQIQI 186-190

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Жавлиев Нурали Баходирович</i> МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ	191-195
<i>Узакова Гўзал Шариповна</i> БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҶСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ)	196-204
<i>Usmanov Alisher Tolmasovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR	205-213
<i>Авезова Элеонора Паракатовна</i> РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	214-218
<i>Муқумов Бобур Мелибод угли</i> ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ	219-224
<i>Туракулова Назира Абдишукуровна</i> СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ: ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН	225-232

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Хўжамкелдиев Faфур Султон ўғли</i> СПОРТ МАШФУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	233-237
<i>Aziz Xasanovich Rajabiy</i> BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH	238-242
<i>Malikova Sevar Samatovna</i> BO'LAJAK XOR RAHBARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH	243-246
<i>Васильченко Ольга Анатольевна</i> ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ	247-251
<i>Xojimurodova Mahliyoxon Kenjavoy qizi, Inomov Faxriddin O'rmonjonovich</i> AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES	252-257
<i>Асадуллаева Наргиза</i> БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ	258-265
<i>Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi</i> BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA КОМПЕТЕНСИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРISHNING PEDAGOGIK MODELI	266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIY MATNLAR MISOLIDA)	273-277
<i>Numonjonov Shohzodbek Dilshodjon uғli</i> OLIY TEHNIKA TA'LLIMIDA MEХNAT MUХOFAZASI VA TEHNIKA XAVFSIZLIGI KOИDALARINI ЎҚITISHDA ЭLEKTRON METODIK ASOSLARNING ILMIIY AҲAMIAHYI	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE	330-349

13.00.00- Педагогика фанлари

Асадуллаева Наргиза
Мустақил тадқиқотчи
Бухоро давлат университети

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА ҶАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати, ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардаги иштироки, ёшларда фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашда ривожланган мамлакатлар тажрибалари атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: фаол фуқаролик компетенцияси, тинчлик, осойишталик, ижтимоий фаоллик, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, технологиялар, ислоҳотлар, маърифат, маънавият, фуқаролик маданияти, ҳуқуқий маданият, ахлоқий маданият, умумисоний қадрияллар, тероризм.

Asadullaeva Nargiza
Independent researcher
Bukhara State University

**FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF A SOCIO-POLITICAL PROCESS AIMED AT
STRENGTHENING ACTIVE CIVIL COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS**

Abstract. This article covers the role of future teachers in social activity, social and political life of society, the youth policy of our state, the participation of young people in fundamental reforms carried out in our country, the experiences of developed countries in strengthening active civil competence in young people.

Keywords: active civil competence, peace, tranquility, social activity, intellectual potential, innovative ideas, technologies, reforms, enlightenment, spirituality, civil culture, legal culture, moral culture, universal values, terrorism.

Асадуллаева Наргиза
Независимый исследователь
Бухарский государственный университет

**ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА,
НАПРАВЛЕННОГО НА УКРЕПЛЕНИЕ АКТИВНОЙ ГРАЖДАНСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ**

Аннотация. В данной статье рассматривается роль будущих учителей в общественной деятельности, общественно-политической жизни общества, молодежная политика нашего государства, участие молодежи в фундаментальных реформах, проводимых в нашей стране, опыт развитых стран в укреплении активной гражданской компетентности молодежи.

Ключевые слова: активная гражданская компетентность, мир, спокойствие, социальная активность, интеллектуальный потенциал, инновационные идеи, технологии, реформы, просвещение, духовность, гражданская культура, правовая культура, нравственная культура, общечеловеческие ценности, терроризм.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N37>

Давлатимиз раҳбари ёшларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш заруратини қуидаги асослайди: «Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда халқаро терроризм, экстремизм ва радикаллизм хавфи тобора ортиб бормоқда. Турли ҳудудларда қонли мажаролар, қуролли тўқнашувлар юз бермоқда, янги зиддият ўчоқлари юзага келмоқда. Ҳозирги вақтда дунёда «тинчлик» деган сўз, «осойишталик» деган тушунча ғоят омонат бўлиб қолганига, бу борада кечаги вазият, кечаги таҳлил ва прогнозлар бугунги кунга тўғри келмаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз»[1]. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар ва уларнинг таълим методикаси орқали талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларда фаол фуқаролик компетенциясини шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида қаралади. Айниқса, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва сиёсий саводхонлигини ривожлантиришнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш, ижтимоий фанларни ўқитиши жараёнида бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик маданиятини ривожлантиришга доир масалаларни таҳлил қилишга катта эътибор қаратилади.

Ҳар бир давлат ўз фақороларида замон талабларига мос сифатлар ва жамият мақсадларига мос қадриятларни қарор топтиришга ҳаракат қилади. Доимий юксалиш ҳақида қайғурадиган етакчи давлатларнинг бу борадаги тажрибаси билан танишиш фойдадан холи эмас. Шунинг учун ёшларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда тараққий этган давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Узоқ Шарқ мамлакатларидан бири бўлган Япониянинг тарбия бериш усули фақат педагогик таълим бериш мажмуи бўлибгина қолмай, фуқаролик маданиятини шакллантиришга қаратилган тарбиядир. Мазкур мамлакатда болаликданоқ ижтимоий фаолликка ўргатилади ва ҳатто таълим жараёнида ҳам ушбу ёндашув муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Японларнинг таълим-тарбия методикасида ижтимоий фаоллик сифатлари болаликданоқ жамоавий ўйинлар, спорт ўйинлари орқали сингдирилади.

Япония таълим-тарбия тизимида меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характеристига хос хусусиятлар саналади. Олимларнинг фикрича, фаол фуқаролик позициясини ёшларда шакллантиришда японча бирдамлик мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларни олиб келади.

Кунчиқар мамлакат таълимидан талабаларнинг ижтимоий фаоллиги ва фаол фуқаролик сифатлари ва шу асосда ҳаракат қилишларининг илдизи бошланғич таълимга бориб тақалади. Япония таълим тизимида бошланғич синфларда асосий эътибор тарбияга қаратилади: болалар инсонлар ва жоноворларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бағрикенглик, бироннинг дардига шерик бўлиш, ҳақиқатпарварлик, ўз-ўзини назорат қилиш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатилади. Бу тамойиллар йиллар давомида япон ёшларига таълим ва тарбия уйғунилигига фаол фуқаролик сифатларини шакллантиради.

Америка Кўшма Штатлари таълим тизимида либерал қарашлар ва демократик бошқарувнинг олиб кирилиши рақобатбардош кадрлар тайёрлашда янгича йўлни очиб берди. Бугунги кунда ушбу мамлакатда ҳам миллий сиёсат таъсирида Бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик компетенциясини шакллантириш, ягона ватан ҳиссини уйғотиш, гурӯҳбозлик, миллатчилик, ирқчилик ва маҳаллийчилик каби ғояларни кучайиб кетмаслиги, жамият барқарорлигига салбий таъсир қўрсатмаслиги учун таълим тизимида ҳам фуқаролик маданиятини, дахлдорлик ҳиссини, ижтимоий масъулиятни тарбиялашни талаб этмоқда. Бу давлатда ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни қадрлаш туйғуси шакллантирилади. АҚШнинг фан ва технологиялар соҳасида бошқа давлатлардан ўзиб кетганлигининг сабаби шундаки, аввало бу давлатда эркин ва ижодий фикр қадрланади. Америка фуқаролариadolатни ҳам ўзига хос тарзда тушунадилар: шахс нимагаки эришса, қандай мақомни эгалласа, бунга фақат ўз ақли ва истеъоди билангина эришади[2]. Американча либерал педагогикада ёшлардаги фуқаролик позицияси уларнинг эҳтиёж ва манфаатларига боғланади. Инсон мақсадини амалга оширишга интилиши мотивация, мотивация эса иқтисодий стимулларни, яъни рағбатлантирувчи кучларни юзага келтиради. Шундай қилиб, инсоннинг хулқатворини, бир томондан, табиатдан берилган қобилият, темперамент, иккинчи томондан, эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг объектив зарурияти белгилайди ва бир бутун ҳолда ижтимоий фаолликни ва фаол фуқаролик сифатларини шакллантиради.

Халқаро таълим муаммолари таҳлил марказининг хulosаларига кўра, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва уларда фаол фуқаролик сифатлари эҳтиёжлар, қизиқишилар ваadolатли ижтимоий муҳит таъсирида юзага чиқади. Хуллас, АҚШ таълим тизимида Бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик сифатларини шакллантиришда ижтимоий муҳит таъсирида ваadolатли ижтимоий сиёсатни таъминлаш орқали улардаги хуқуқий ва сиёсий билимларни ўстиришга алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг фикрича, зарур билимларни эгаллаш, олинган билимларни эътиқодга айлантириш жуда муҳим. Демак, Бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришда ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш зарур. Бироқ уларнинг тарбия методикаси ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларига ҳамоҳанг бўлиши ва ахлоқий мезонлари ўхашшлиги муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги таълим тизимида Бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга оид билимларни оширишда фанлар тизимининг умумий жиҳати хусусида эмас, балки биргина томони – ижтимоий гуманитар фанларнинг ролини тадқиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқ саналади. Фақат “маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак” [3]. Шу боис, Бўлажак ўқитувчиларда ватан тақдирига масъулиятни, дахлдорлик туйғусини шакллантириш, фаол фуқаролик сифатларига эга рақобатбардош кадрларни тарбиялаш масалалари ҳам долзарблиқ касб этмоқда. Шунинг учун ҳам, бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик маданияти, хуқуқий маданият ва сиёсий савия, ижтимоий фаоллик оид билимларни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанлардан самарали фойдаланишнинг методик асослари, методлари, таълим технологияларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида тарбияланаётган малакали кадрлар корпусининг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини ҳам юзага чиқармоқда. Шунингдек, кадрларда теран тафаккур ва кенг дунёқарашни шакллантириш, маърифатли қилиш орқали уларни ижтимоий фаоллигини ошириш, фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш мумкин бўлади. «Чунки инсониятнинг маънавий қашшоқлашуви жараёнида маънавиятни емиришга хизмат қиладиган «демократик қадрият»ларни ривожлантиришга интилгани сари инсоннинг маънавий «мен»лиги барбод бўлмоқда. Агар бу жараёнга бугун эътиборсизлик билан қаралса»[4] эртага ёшларда ватанфуруушлик, эгоистлик сифатлари намоён бўла бошлайди. Бундай шароитда бўлажак бакалавр ва магистрлар учун берилаётган, таълим мазмуни, ўқув жараёнининг жаҳон андозалари даражасида ташкил этилиши фуқаролик маданиятини ҳам ривожлантиришга мос келмоғи лозим. Шунинг учун ҳам олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этиш бакалаврлар, магистрлар ва бўлажак мутахассисларни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага қўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакл ва усуллари, янги педагогик технологияларни қўллашни талаб этади.

Мамлакатнинг жадал ривожи, тайёрланаётган мутахассисларнинг ватанпарварлиги, фаол фуқаролик позициясига эгалиги, ижтимоий маъсулиятни англаши билан бевосита боғлиқ. Ушбу талабга мувофиқ олий таълимдаги ижтимоий гуманитар фанлар тизимида муҳим ўрин эгалловчи Социология, Ўзбекистон тарихи, Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаралик жамияти, Фалсафа, Диншунослик каби фанлар ўқитилиши Бўлажак ўқитувчиларда хукуқий дунёқарашни, сиёсий тафаккурни ва фуқаролик компетенциясини шакллантирувчи асос ҳисобланади. Хусусан, хукуқшунослик фани турли қонун, фармон, қарорларнинг, ижтимоий муносабатларнинг хукуқий асосини тушунтириш орқали талабаларнинг хукуқий билимларини ошишига ва ижтимоий фаоллигига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда олий таълимда талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда жамиятшунос олимлар томонидан ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳияти ва унинг фуқаролик жамияти ривожланиши билан узвий боғлиқлигига бағишланган илмий йўналишдаги мақолалар чоп этилган бўлса-да, аммо олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган махсус дарслик нашр этилмаган. Қолаверса, ОТМларнинг ахборот ресурс марказида бўлажак бакалаврларга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар сони етарли эмас. Айниқса, ушбу фанлар бўйича юқори малакали мутахассислар томонидан нашрга тайёрланган рус тилидаги ўқув адабиётлари камчиллиги сезилмоқда[5].

Талабаларнинг ижтимоий-сиёсий билимини оширишда, уларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда, ижтимоий фаоллигини оширишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг методларини тўғри танлаш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳар бирида ўзининг тадқиқот обьектига қараб турли методлари ва тамойиллари мавжуд бўлсада, энг умумий методлар бўлган фалсафий методлар универсал аҳамиятга эга. Улар умумий алоқадорлиқда барча ижтимоий соҳаларни таҳлил этишда ва ўрганишда фойдаланилади.

Бугунги кунда ОТМларда фалсафа таълимидан бўлажак кадрларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга оид билим ва кўникмаларини шакллантириш, дунёқарашини оширишда самарали фойдаланиш талаб этилади. Шу боис, талабалар ижтимоий фаоллигини оширишда фалсафа фанидан фойдаланишнинг методик асосларини яратиш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Олий таълимда ўтиладиган ижтимоий-гуманитар фанлардан «Хукуқшунослик»нинг Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда хукуқий маданиятни ривожлантириш ва фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашда муҳим ўринга эга. Фарб олими Э.Ренен таъкидлаганидек, “хозирги жамиятлар учун тарбия масаласи келажак тақдири билан боғлиқ ҳаёт-мамот масаласидир... аввалги замонларда ворислик ёрдамида, асрий урф-одатлар, уруғаймоқчилик ва халқ удумлари ёрдамида эришилган нарсаларга эндилиқда фақат таълимнинг кўмаги билангина эришиш мумкин”[6].

Хукуқий тарбия хукуқий таълимдан эртароқ бошланади. Аниқроқ айтадиган бўлсак хукуқий таълим давлатнинг аниқ стандартлари асосида давлат таълим муассасаларида педагоглар томонидан олиб борилса, хукуқий тарбия фарзанд туғилгандан кейин ота-она ва оила аъзолари шунингдек атрофдаги жамият аъзолари томонидан бериб борилади. Бу борадаги кузатувлар натижасига кўра, ҳар бир ота-она ўзлари билмаган ҳолда хукуқий тарғиботни амалга оширадилар. Масалан, оиласда ёзилмаган оилавий анъаналар, ахлоқ-одоб масалалари алоҳида аҳамият касб этади [7]. Хукуқий таълим орқали шахсга ўз хатти-ҳаракатларининг қонун талабларига мослиги тўғрисидаги билимлар бериб борилади. Шу билан бирга мураккаб хукуқий муносабатлар тўғрисидаги тушунчалар шакллантирилади.

Хукуқий таълим натижасида кенг омма ёки шахс ўз ҳатти – ҳаракатларининг қонуний эканлигини тушунса, хукуқ тартиботни бузмасликка ҳаракат қилса ўзини онгли равища, хукуқ нормаларига риоя этган ҳолда бошқара олса, мақсадга эришилган бўлади. Демак, хукуқий таълим бу - ташкилий равища мунтазам олиб бориладиган, аниқ мақсадни кўзлаган ва шахсга «гуруҳ шахсларига» таъсир қила оладиган, уларда хукуқий онг, хукуқий билим, қонунларга риоя қилиш хислатларини вужудга келтирадиган ҳаракатdir[8]. Хукуқий таълим муайян ўқув дастури асосида ўқувчиларга хукуқшунослик асосларини ўргатишга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, унинг натижаси ўқувчиларнинг хукуққа оид билимларни пухта ўзлаштиришлари, ижтимоий – хукуқий меъёрларнинг аҳамиятини изоҳлай олиш, тўғри тушуниш, уларнинг жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамиятини англаш, қонунларга нисбатан ҳурмат кўрсатиш каби сифатларнинг қарор топиши билан белгиланади.

Олий педагогик таълимда таълимнинг барча турлари каби, хукуқий таълимнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Б.Зиёмуҳаммедов ва Ш.Абдуллаева хукуқий таълим-тарбияни шундай таърифлайдилар: «Хукуқий таълим-тарбия инсонда хукуқий билимларни ошириш, қонунларни яхши ўзлаштириб, уларга тўлиқ риоя этиш кўникмасини ҳосил қилишди»[9]. Дарҳақиқат, хукуқий таълим хукуқий билимларни ўзлаштиришни, амалий кўникмалар ва малакалар шаклланишини назарда тутади. Бу эса ёшларни хукуқий жиҳатдан ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишлари учун замин тайёрлайди. Хукуқий таълим нафақат билим бериш, балки хукуқбузарликларни

олдини олиш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш каби вазифаларни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шунингдек, ҳуқуқий таълим жараёни – педагог ва талабалар ўртасидаги муносабат, билим бериш, билим олиш, ўргатиш – ўрганиш майлида кечадиган муносабатлар тизимиdir. Ҳуқуқий таълим педагог билан талабанинг биргаликдаги фаолияти сифатида ўзаро боғлиқ икки жараёнга – педагог фаолияти сифатида билим беришга ва талабанинг фаолияти сифатида билим олишга ажralади. Билим берувчи жамият манфаатларини ифода этгани ҳолда барча ўқув муассасаларида таълим беришнинг конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратади. Ҳуқуқий билим берувчи:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлигидан келиб чиққан ҳолда билим оловчи билан муносабатлар оқимини инсоний фазилатлар: ўзаро ҳурмат, иззат-икром, ва ҳ.к. руҳида амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди;
- ҳуқуқий таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлайди;
- ҳуқуқий таълим тизимининг дунёвий характерда эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирмайди;
- ҳуқуқий билимли бўлишни ва истеъодни рағбатлантиради[10].

Олий таълим доирасида талабалар инсониятнинг ижтимоий-тариҳий тажрибасининг турли жиҳатлари билан танишадилар, улар мафкура, сиёsat, фан ютуқлари ва ҳуқуқ тизимларини қамраб олади. Ҳуқуқий таълим ўқувчиларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, жиноий ҳаракатларга қатъий қаршилик кўрсатиш каби қадриятларни тарбиялаш билан бирга, ўқувчиларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ҳуқуқий тарбия эса бўлажак ўқитувчиларда мавжуд бўлган ҳуқуқий билимлар асосида фаолиятни ташкил эта олиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган жараён бўлиб, унда талабаларнинг ҳуқуқшунослик асосларига оид билимларини мустаҳкамлаш учун шароит яратилади, уларни қундалик фаолиятда қўллаш кўникмаси шакллантирилади. Шунингдек, талабаларнинг ижтимоий – ҳуқуқий фаолликларини ҳосил қилишга эришилади. Талабаларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбияни узвийлиқда олиб боришни тақозо этади. Ҳуқуқий таълим тўлақонли равишда мажбурийлик характеристига эга бўлса, ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйишда ихтиёрийлик устувор ўрин тутади.

Олий таълим тизимида ҳуқуқий таълим бир қанча жиҳатлардан: билим берувчининг ўз фанини билиш, ўқув-тарбия жараёнини уюштира олиши, таълимнинг замонавий технологияларини эгаллаши, талабанинг ақлий ривожланиши, унинг билиш имкониятларини чуқур англаб етиши ва билим оловчининг шахсий фазилатларини шакллантириш йўлларини билишдан таркиб топади. Ҳуқуқий таълим билим берувчи учун тафаккур фаолияти ҳамdir. У ўзини қуршаб турган оламни билишни ва таълим бериш фаолиятини чуқурлаштиради. У таълимда янги мазмун ва методларни излайди. Таълим билим оловчи учун ҳам, билим берувчи учун ҳам ўзини қуршаб турган оламни билишнинг бир тури ҳисобланади[11]. Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатdir.

ОТМларда ташкил этиладиган ҳуқуқий таълим жараёнида, биринчидан, барча ҳуқуқий билимларни жамлаб, уларни ўргатиш тамойилидаги талабларга

солиширилади; иккинчидан, ўргатиш тамойилларига мос келиши асосида унинг маҳаллий шароитга тўғри келиш – келмаслиги аниқланади. Чунки ҳар қандай ижтимоий воқеалиқда, шу жумладан, ҳуқуқий таълим – тарбия жараёнида ҳам ҳукм сурувчи қонуниятлар маълум бир ижтимоий шароитнинг объектив борлиғини қанчалик тўла ифода этган бўлишига қарамай, бошқа ижтимоий шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий – таълим усул ва услублари ўз худудимизда синааб кўрилиб, кейингина татбиқ этилади; учинчидан, тўпланган тажрибалар асосида эгалланган билимлар амалиётда қўлланилиши ўргатилади[12]. Ҳуқуқий таълим билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилган комплекс ва прогрессив ўқув дастурини ўз ичига олиши керак. Бу таълим мазмуни ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний имкониятларини ошириш, ҳуқуқий тафаккурини тарбиялаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга тайёрлаш имконини берувчи информацион ва ривожлантирувчи характеристерга эга бўлиши жуда муҳимдир. Ҳуқуқий онгни ривожлантиришга қўмаклашиш учун юридик фанларнинг ўқув материаллари ҳажмини пухталик билан аниқлаш, ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларидан ортиқча оғир мазмунни олиб ташлаш орқали тартибга солиш, материалларда ёритилган асосий тушунчаларни қисқа ва аниқ тушунтириш, талабаларнинг ҳуқуқий манбаларни мустақил ўрганишлари учун имкониятлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу чора-тадбирлар талабаларда ҳуқуқий онгни самарали шакллантиришга хизмат қиласди.

Adabiyotlar/Literatura/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. З-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.400.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.452.
3. Karimova O. Niqquq ta'lmini o'qitish metodikasi. Toshkent.: O'zbekiston . 2011 yil, -B.23.
4. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.Тошкент.1998. –Б. 9.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон “Маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнин янги босқичга кўтариш тўғрисида “ги Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 28 июнь.
6. Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёsat ва мафкура. – Т.: Минҳож, 2002. - Б. 13 – 14.
7. Николаев Г.Г. Воспитание гражданских качеств подростков в детских общественных объединениях. Автореферат докторской на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Екатеринбург, 1999. –С. 23.
8. Ҳусnidдинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография).- Т.: Тошкент ислом университети, 2006.-Б.8-9.
9. Аликулов Қ.Ҳ. Ёшларда иқтисодий фаолликни шакллантиришнинг ахлоқий ва эстетик жиҳатлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Самарқанд, 2018. – Б.16.
10. Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры у будущих учителей в процессе профессиональной подготовки при изучении дисциплин педагогического

- цикла. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Тошкент: 2002. –С. 22.
11. Ашуррова С.И. Махсус фанларни модуллар ўқитиши жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш // Касб-хунар таълими. –Тошкент: 2004. – № 5.
12. Мансуров Ш. Демократик жамият қуришда жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон модели. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
13. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ф.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент: 2013. – Б.488.
14. Қодирова З. Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. Фалсафа фанлари д-ри... дис. –Т., ЎзФА Фалсафа ва хукуқ инс-ти, 1999
15. Rotschild J. Ethnopolick: a conceptual framework. - W.-Y..1981. - P. 7; Komaroff J. Op.clt. - P.667; Glazer N. Op.cit.- P.141-176.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Nº 7 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).